

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ**  
**ҚАРОРИ**  
**10.07.2001 й.**  
**№ 294**

Хужжатнинг рус тилидаги  
матнига қаранг

**БИРЖАДАН ТАШҚАРИ ВАЛЮТА**  
**БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**  
**ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Мазкур Қарорга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган  
ЎзР ВМ 05.01.2002 й. 7-сон Қарори,  
ЎзР ВМ 10.10.2002 й. 354-сон Қарори,  
ЎзР ВМ 08.01.2003 й. 7-сон Қарори,  
ЎзР ВМ 28.02.2003 й. 112-сон Қарори,  
ЎзР ВМ 16.07.2003 й. 317-сон Қарори,  
ЎзР ВМ 01.10.2003 й. 420-сон Қарори,  
ЎзР ВМ 07.10.2003 й. 434-сон Қарори,  
ЎзР ВМ 22.04.2004 й. 193-сон Қарори,  
ЎзР ВМ 02.03.2005 й. 79-сон Қарори,  
ЎзР ВМ 27.07.2006 й. 149-сон Қарори,  
ЎзР ВМ 21.07.2014 й. 199-сон Қарори

1-илова. Бирлашган барқарорлаштириш  
жамғармаси тўғрисида Низом

2-илова. Биржадан ташқари валюта бозорида хорижий  
валютани харид қилиш ва сотиш операцияларини  
ўтказиш тартиби тўғрисида Низом

3-илова. Бирлашган барқарорлаштириш жамғармасини  
бошқариш кенгаши таркиби

Вазирлар Маҳкамасининг "Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2001 йил 22 июндаги 263-сон қарорини бажариш ҳамда биржадан ташқари валюта бозорининг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, банклараро валюта савдолари қатнашчилари сонини кўпайтириш ва кўламларини кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар:

Бирлашган барқарорлаштириш жамғармаси тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;  
Биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани харид қилиш ва сотиш операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, ваколатли банклар, хўжалик юритувчи субъектлар биржадан ташқари валюта бозорида қатнашиш ва операцияларни ўтказишнинг белгиланган тартибига қатъий амал қилсинлар.

3. Бирлашган барқарорлаштириш жамғармасини бошқариш кенгашининг шахсий таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг "Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 33-модда)га 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. Каримов**

**Вазирлар Маҳкамасининг  
2001 йил 10 июлдаги  
294-сон қарорига  
3-ИЛОВА**

ЎЗР ВМ 05.01.2002 й. 7-сон Қарорига мувофиқ 3-илова ўз кучини йўқотган

**БИРЛАШГАН БАРҚАРОРЛАШТИРИШ  
ЖАМҒАРМАСИНИ БОШҚАРИШ КЕНГАШИ  
ТАРКИБИ**

**<TabNotes3>**

Нурмуродов М.Б.	- Молия вазири, Кенгаш раиси
Ғуломов Р.А.	- Марказий банк раисининг ўринбосари, Кенгаш раисининг ўринбосари
Ёқубжанов М.М.	- Марказий банк раисининг ўринбосари
Мирхўжаев З.С.	- Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки раиси вазифасини бажарувчи
Раҳимов С.Б.	- "Асака" банки бошқаруви раиси
Мирзобоев М.К.	- "Ўзсаноатқурилишбанк" бошқаруви раисининг ўринбосари
Нурхўжаев Ф.Ф.	- "Ўзуйжойжамғармабанк" бошқаруви раисининг ўринбосари
Розуқулов У.У.	- Молия вазирлиги валюта-иқтисодиёт бош бошқармасининг бошлиғи

Зукуров А.А.

- Бирлашган барқарорлаштириш жамғармасини  
бошқариш кенгаши ишчи органи раҳбари, Кенгаш  
котиби

"Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами", 2001 й., N 7, 38-модда.